

O'ZBEKISTON OVOZI



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 4-mart • Shanba • 27 (27.519) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Депутат ва ҳаёт

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Бугун одамларни фақат амалий ишлар, истиқболли режалар қизиқтиради. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг сайловчилар билан учрашувида ҳам бу ҳаётини ҳақиқат яна бир бор намоён бўлди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Иттифоқ» маҳалла гузарига ташриф буюрган Қонунчилик палатаси депутати мамлакатимиз парламенти фаолияти, қонун яратиш жараёни ҳақида гапириб берди. Хусусан, қўйи палатадаги ХДП фракцияси томонидан бажарилган ишлар, ЎзХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қонунларга киритилган тақлифлар ҳақида батафсил тўхтади.

Учрашув қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар билан ўтди. Сайловчилар депутатнинг ахборотини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Абдуҳамид Толипов, «Юнус ота» маҳалласидан, пенсионер:

— Бугун тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётти. Аммо, ҳар ким ўз маҳсулотига, у ҳоҳ ўзи ишлаб чиқарган бўлсин, ҳоҳ четдан келтирган бўлсин, истаган нархини қўйиб сотмоқда. Шу масалани, яъни нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасликнинг қонуний асослари борми? Умуман, маҳсулотларнинг нархлари ким жавоб бериши керак?

Мунира Худойберганаева, «Иттифоқ» маҳалласидан:
— Кейинги пайтда коммунал тўловлар нархи жуда кўтарилди кетди. Ойлик маош оламузу, унинг анча қисмини коммунал хизматлар, электр, иссиқ ва совуқ сувга тўлаймиз. Бу ҳақда партияннинг бирон-бир ёндашуви борми?..

Феруза Хамроева, уй бекаси:
— Иссиқ сувда, электрда узилшлар рўй беради, кўп қаватли уйлар сув қувурларида тез-тез авариялар содир бўлиб туради. Коммунал хизмат кўрсатишнинг нархи яраша сифати ошганлиги умуман сезилган эмас.

Мавлода Гучкин, пенсионер:
— Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйларнинг умумий фойдаланиладиган қисмлари охири марта қачон таъмирланганини билмайман. Тўғри, баъзан хомийлар ёрдами ёки Ўзаро пул йиғилиб кириш жойлари таъмирланмоқда. Аммо, уйларнинг умум фойдаланиладиган қисмларини эпаккага келтиришда УМШнинг ўрни бўлиши керакми, йўқми?

Шундай тақлиф, савол, фикр-мулоҳазалар учрашувда кўплаб билдирилди. Депутат бу фикрлар, албатта, эътиборга олинмиши, ўз ваколати доирасида кўтарилган масалаларни ҳал этиш, улар юзасидан тегишли ташкилотларга муҳожаат этишини билдирди.

Хусниддин БЕРДИЕВ

8 MART — Халқаро хотин-қизлар куни

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимизда «Аёлга эҳтиром» мавзусида маданий-маърифий учрашув бўлиб ўтди. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда пойтахт хотин-қизлари ўртасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини янада юксалтириш, жамиятни янгилаш ва модернизациялашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриямал бўлиб ҳизмат қилмоқда. Мазкур Фармонга мувофиқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофазалашга оид кўпга хайрли ишлар амалга оширилади.

Пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, изоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг хиссаси тобора ортмоқда. Улар таълим-тарбия, илм-фан, маданият каби соҳаларда аниқсиз фаолдирлар. Барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бораётгани ёшлар тарбиясини тўғри ташкил этиш, миллий урф-одатларимиз ва азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хар йили шаҳримиз билим масканларида таълим олаётган, илмий марказларида фаолият кўрсатаётган энг фаол ва иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланаётгани давлатимиз раҳбари томонидан истисно қилинган ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси.

Анжуманда саноат, иқтисодиёт, илм-фан, таълим, маданият соҳасида самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ аёллар билан бирга ана шундай фаол қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг изоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр юритилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



UzBuild — ЭНГ ЙИРИК ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Қурилиш ва интерьер, Иситиш ва вентиляция — UzBuild 2006» — еттинчи халқаро кўргазмаси бугун ўз иштини якунлайди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси хомийлигида ITE Uzbekistan ва ITE Group Plc (Буюк Британия) халқаро кўргазма компаниялари томонидан ташкил этилди.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш саноатида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда қўлай сарможий муҳитнинг яратилиши, аниқсиз, қурилиш ва қурилиш-монтаж ташкилотларига солиқ ва боғжона имтиёзлари берилиши хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришда, соҳага замонавий технологияларни жалб этишда, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашда муҳим омил бўлмоқда.

«UzBuild 2006» халқаро қурилиш кўргазмасида Россия, Хитой, Австрия, Беларус, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Польша, Финляндия, Чехия, Туркия, Украина, Жанубий Корея, Швеция каби жами 17 мамлакатдан саксондан ортқ компания иштирок этмоқда. Унда қурилиш ва пардозлаш материаллари, иситиш, ҳаво алмаштириш ва совутиш тизими, қурилиш техникаси ва усқуналар, дераза, эшик ва витражлар, сантехника, электр ёритиш усқуналари оид бўлимлар ишлаб турибди. Шунини айтиш керакки, «UzBuild»нинг дастлабки кўргазмаларида ўндан ортқ компания катнашган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони қирқтага етди. Жорий тадбирда эса саксондан ортқ компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу гал кўргазма иштирокчиларнинг 70 фоиздан ортиги хорижий мамлакатлардан келган. Бу эса хорижлик ишбилармонларнинг мамлакатимиз қурилиш саноатига қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир.



Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Диққат! «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Сизнинг саволларингизга Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Турсунходжаевна ИНОМОВА жавоб беради

Хар бир замонда, хар бир давлатда мамлакат куч-қудрати, тараққиёти ва қељахаги ўша юртда хотин-қизларга яратилган шароитга, уларга кўрсатилган ғамхўрликка кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Чунки, бола тарбияси, оила ва жамиятни идора қилишда, миллий салооматлиги ва салоҳиятини мустаҳкамлашда оналар ва аёлларнинг ўрни беқиёсдир.

Бунини ўз халқимиз, тарихимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин. Айни чоғда оналарни кадрлаш, аёлга эҳтиром кўрсатишда ҳам халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, оналарни асраш, улар соғлигини муҳофазалаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш ишларига катта эътибор қаратила бошланди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги Фармонида сўнг бу борада муҳим қадамлар қўйилди. Хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг фаолиятини кенгайтирилди, маҳаллаларда диний маърифат ва маъна-

вий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бу эса хотин-қизларнинг жамиятдаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган далолатдир.

Бугун ўзбек хотин-қизлари барча жаҳода — илму ижодда, спортда, тадбиркорлигу раҳбарлик ишларида ҳам ўз салоҳиятларини, фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда. Айни чоғда хотин-қизларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида белгиланган

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилинсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлатилиши ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазаилатлари ва интеллектуал ривожланиши савиясини қўшимчида белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатиладиган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари кўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жунатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қарори талабларига

қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришнинг ташкил қилишини;

армияга қузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни қўтиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридagi муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси уюштурулисин;

мусобақа ғолибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қуролли Кучлар резервга бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда қўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминлашга бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ишга танқидий баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиоканкомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Хазратқуллов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақирув резервдаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни жойларда қўтиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2006 йил 3 март

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЭЛЕКТРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЖАДВАЛ»

Ушбу сарлавҳали (шу йил, 24 январь) танқидий мақолада Наманган вилоят электр тармоқлари корхонаси тизимларидаги барча шохобчаларда истеъмолчилар норозиликларига сабаб бўлаётган салбий ҳолатлар ЎзХДПнинг жамоатчилик қабулхоналари маълумотлари асосида жиддий таҳлил қилинган.

«Мақола тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар маълум бўлди. — дея жавоб йўллайди вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Ботиров.

— Қиш мавсумида вилоят аҳолисини етарли миқдорда табиий газ билан таъминлашда газ босимининг пасайиб кетиши оқибатида, аҳоли томонидан хонадонларини иситиш, овқат тайёрлаш ва бошқа кундалик эҳтиёжларни қондиришда электр энергиясидан ортқча ва узлуксиз фойдаланишлари оқибатида, электр узатиш тармоқлари, электр трансформаторларида зўриқлар пайдо бўлган бўлиб, бу эса ўз навбатида уларнинг тез ишдан чиқишига ва яроқсиз ҳолга келишига олиб келди.

Жумладан, қиш мавсумининг декабрь ва январь ойлари давомида ўта зўриқиш билан ишланган электр узатиш тармоқлари ҳамда 1 донга 6-10/0,4 «Вли трансформатор ва бошқа электр усқуналари қўйиб ишдан қиқди.

Бундай фақуллода ўчиларни зудлик билан бартафат этиш ва истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида жойларда қўшимча тезкор таъмирлаш бригадалари ташкил қилинган бўлиб, улар керакли машина, механизмлар билан таъминланган.

«Электр қишда...» «Электр тизимида қувват ва энергия танқислиги пайдо бўлганда қувват ва истеъмол бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари...» «Энергетика тизимини қуз-қиш мавсумида мўътадил ишлаш ҳолатини сақлаб қолиш учун энергетика тизими ва юкланиши максимал соатларда истеъмол қилинаётган қувватни пасайтириш бўйича электр энергияси истеъмолчилари билан тузилган жадваллар сингари қатор тадбирлар асосидаги ўчиришларга барҳам берилди.»



ҚАБУЛ СОАТЛАРИга муҳожаат қилинг.

Сизнинг саволларингиз ва унга берилган жавоблар газетамизда ёритилади.

Савол ва тақлифларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали йўллашингиз мумкин. Муҳожаатлар 10 мартга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-70, 136-54-16. Факс: 133-12-56, 133-65-45.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
K'OPLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАЛОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Қарор ва ижро

Хаёт мураккаб. Унинг ўнқир-чўнқир сўқмақлари борки, унда одамзот баъзан адашиши мумкин. Аммо хато қилгани кечириб, қоқилгани суяш халқимизга хос қадриятлардан бири ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги қарори ана шундай ғамхўрлик, одамийлик, адолатпарварлик намунасидир. Бухоро вилоят прокуратураси суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси **Иброҳим ЁРМУХАММЕДОВ** ушбу муҳим ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида куйидаги фикрларни билдирди.

АДОЛАТПАРВАРЛИК

— Қарорга кўра, республика бўйича озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган ва жамият учун энг кам хавф туғдирувчи 3 мингдан зиёд шахс озодликка чиқиши кўзда тутилган. Энди тасаввур қилинг, аввало, шунча оиланинг бағри тўлади, сўнгра эса озод бўлганларда тўғри йўлни танлаб олишга имкон туғилади. Биз айнан мана шу масалага эътибор қаратишимиз зарур. Чунки, шакланган эскича қараш бўйича, кўпчилик судланганларга ўзгача муносабатда бўлади. Бундай қараш эса собиқ маҳбусларнинг ҳаётда тўғри йўл топишга ҳалақат қилиши мумкин. Шунинг учун мазкур амнистия акти доирасига кирувчи жазодан озод қилинган шунингдек ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни тўлиқ ҳисобга олиниши ҳамда уларнинг ишга жойлаштирилишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Айниқса, вояга етмаганларни ота-оналарининг ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратида топширилиши, уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминлаш зарур бўлади. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Кўникма» маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Қизил ярим ой» жамияти билан ҳамкорликда махсус кўшма дастур асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Когон шахридаги махсус тартибли жазони ижро этиш муассасасидан Амнистия тўғрисидаги қарор қонуний қучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичиде жазони ижро этиш ёки яшаш жойидан доволаш муассасаларининг тегишли комиссиялари қарорига асосан 40 нафар шахс озодликка чиқарилди. Республиканинг бошқа вилоятларида яшовчи озодликка чиққан маҳкумлар яшаш манзилларига етиб боришлари таъминланди. 2006 йил 28 февраль ҳолатида «Кўникма» марказига амнистия қарори билан

озодликка чиққан 180 нафар шахс муружаат қилган. Амнистия доирасига кирувчи 169 нафар шахсларга вилоят бюджетидан 7 миллион 640 минг 900 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Ишга жойлаштирилган муружаат қилган 151 нафар шахснинг 143 нафари ҳозир турли қорхона ва ташкилотларда иш-ламоқда. Хуллас, улар учун ҳаётнинг тўғри йўлини танлашга имконият яратилди. Амнистия акти вилоятимиз бўйича жами 1270 нафар шахсга нисбатан қўлланилди. Мазкур қарорнинг 2-моддаси асосида 407 нафар шахс амнистия имкониятидан фойдаланди. Қарорнинг инсонпарварлик моҳияти жуда кўп жиҳатларда кўринади. Масалан, уни қўллашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Худди шундай муқаддам эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди. Ушбу ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли томони шуки, қарорнинг биринчи моддаси «г» бандида чет эл фуқаролари ҳам жазодан озод қилиниши назарда тутилди. Жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқароси амнистия таъсир доирасига тушади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоиз, Амнистия тўғрисидаги қарор тўғри йўлни икитёр этганлар учун имкониятдир. Машҳур файласуф Демокрит талқини билан айтганда, «Қонун одамларнинг ҳаётини яхшилашни истаиди. Агар одамларнинг ўзлари ҳаётларини яхшилашни истаётганларида яшовчи озодликка чиққан маҳкумлар яшаш манзилларига етиб боришлари таъминланди. 2006 йил 28 февраль ҳолатида «Кўникма» марказига амнистия қарори билан

Моҳира ШАКАРОВА эъиб олди

Муносабат

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ РАҒБАТ

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси матбуотда эълон қилинган уни ўқиб қалбимни бир қувонч, гурур эгаллади. Сабаби, эндиликда Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, парламент палаталарининг йиғилишлари ва уларда кўрилатган масалалар аҳоли кенг қатлами орасида ҳам эътибор билан ўрганилмоқда. Бу фуқароларимизнинг миллий тарихий қадриятларига маъсул шахс сифатида шаклланаётгандалар адолатлидир. Марузада ўтган йил сарҳисоби ва жорий йилда босқич-ма-босқич амалга оширилиши зарур бўлган кенг қўламли истикболли вазифаларнинг белгилаб берилиши бутун халқимиз эътиборини тортиди. Айниқса, унда таъкидланган етти устувор йўналишнинг нақадар муҳимлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ерга эгалик масаласи, хусусий мулкчилик, хусусий ва оилавий бизнес ривожини, ишлаб чиқаришда сифат ва миқдор

ўзгаришига эришишда барчамиз бирдек маъсул эканлигимизни бир лаҳза бўлса ҳам унуттишга ҳаққимиз йўқ. Бу устувор йўналишлар бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиздаги ҳар бир кишининг ўзи ўри бор. Худди шу маъсуллик ҳиссини одамларга янада кенг тушунтириш халқ депутатлари ҳамда сиёсий институтлар, хусусан партиялар заммасида. Устувор масалалардан бири энергия ресурсларини тежаш эканлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди. «Иқтисодийнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг миқёсда қўллаш, энергияни тежайдиган бўйича ҳар қайси тармоқда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг олиб бориш» жуда муҳим масала ҳисобланади. Маърузада айтилганидек, Ўзбекистон энергетика соҳасида ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланади. Бироқ бу ҳеч кимга ҳўжасизларча муносабатда бўлиш мумкин эмас. Қайта тикланмайдиган энергия ресурсларига кўмир, газ, нефть ва

бошқа турдаги табиий ёқилғи турлари киради. Ҳозирги пайтда бундай энергия ресурсларидан бири — табиий газ «аристократик» энергия манбаи деб ҳам аталади. Қайта тикланадиган энергия манбаалари бу биринчи галда кўёш ва шамол энергияси ҳисобланади. Аслида кўмир, газ, нефть каби қайта тикланмайдиган энергия ресурслари ҳам замминимизга тушайтган кўёш нури энергиясининг миллиард йиллар давомида тўпланган бу захира буғунги кунда исроф қилинмоқда. Маърузада таъкидланганидек, бу нобой бойликка болаларимиз, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳаққи борлигини ёдда туттишимиз ва бу ҳақда бош қотиришимиз зарур. Кўёш энергиясидан фойдаланиб, иссиқлик энергияси олиш, кўёш энергиясини электр энергиясига айлантириш, кўёш энергиясидан фойдаланиб иссиқ сув билан таъминлаш соҳасидаги ихтирочилик, янги қурилмалар кашфиёти энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни яратишдаги илмий изланишлар давом этмоқда. Хитой олимлари 15-25 Вт қувват билан ишлай-



Россия — Фаластин мухторияти

Халид Машъал бошчилигидаги Фаластиннинг ХАМАС гуруҳи вакиллари Москвага келди. — Биз Россия пойтахтига РФ президенти Владимир Путиннинг таклифига кўра, Яқин Шарқдаги вазиятни муҳофиза қилиш, Москва билан ҳеч қандай шартларсиз маслаҳатлашиб олиш учун келдик, — деди ХАМАСнинг сиёсий бюроси раҳбари Халид Машъал. Фаластин ҳукумати ва қонун чиқарувчи органи вакиллари бўлиши ХАМАС делегацияси «БМТнинг Фаластин масаласи борадаги резолюцияларини ҳаётга татбиқ этишда Россия ёрдами ва ҳамкорлигига ишонди». «Фаластин сиёсатчилари учрашувлар давомида ҳеч қандай таълаб-ўртага қўйилмаслигини баён қилишмоқда. ХАМАС делегацияси Москвада 3 кун бўлади. Сафар давомида делегация нодавлат ташкилотлари ва мусулмонлар жамиятлари вакиллари билан учрашув ўтказиши режалаштирилган.

ИРОҚ

Ироқ маъмурияти мамлакатда рўй бераётган зуравонликнинг олдини олиш мақсадида кўчаларда кундузи автомобил ҳатнови таъкиллаб қўйди. Таъкил Бағдод ва пойтахт яқинидаги шаҳарларга таълуқлидир. Таъкилчи бузган шахсларнинг машиналари полиция томонидан «жарима майдони»га тортиб қўйилди. Пайшанба кун Ироқнинг турли ҳудудларида рўй берган портлаш ва отишмалар натижасида ўттизга яқин одам ҳалок бўлди. 22 февралдан, яъни Самаррадаги шиаларнинг энг йирик қадам-жоларидан бири портлатиб юборилгандан буён Ироқда 400га яқин инсон қурбон бўлди. Яқинда Ироқдаги БМТ миссиясини бошқариб келган Жон Пэеннинг айтишича, Бағдод ўликхоналарига олиб келинадиган жасадларнинг 75 фоизиде улар аввал қўйноққа солиниб, кейин қатл этилганлиги аломатлари бор. Февраль ойида эса Ироқ Ички ишлар вазирлигининг «ўлим батальонлари» мамлакатда яшовчи суннийларга нисбатан зуравонлик қилаётгани борадаида Америка ҳарбийлари баёнотлари асосида тергов ишлари бошлаб юборилди.

ЯПОНИЯ

Япониянинг Йогоама шаҳрида яшовчи бир оила ҳақидаги ахборот Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилди. Гап шундаки, бу оилада тўрт авлоддан буён чақалоқлар бир кунда, яъни 26 мартда туғилди. Рекорд ўтган йилнинг 26 март кунини нишонлаётган Хироси Масуда қизлик бўлди. Бундан ташқари оила ўша кунни ота ва катта оталари туғилган кунини ёдга олганди.

ФИНЛЯДИЯ

Финляндиянинг «Nokia» компанияси ҳақон бозоридаги ўз улушини 35 фоизга етказди. Ўтган йилда компания улуши 33 фоизни ташкил этганди. «Nokia»нинг асосий рақобатчиси «Motorola» ҳам ўз улушини 16,3 фоиздан 17,8 фоизга ошди. Бунга «Motorola» томонидан айна пайтда оммавий бўлиб кетган «Razr» модели ва ривожланиётган давлатлар бозорига мўлжалланган телефонлар ишлаб чиқара бошлагани сабаб бўлди. Айна пайтда Жанубий Кореянинг «LG Electronics» компанияси улуши ҳам 7,2 фоизга етди. Мутахассислар бу компания келажига катта умид боғлашмоқда. Дунё бозорида уяли алоқанинг энг йирик провайдерни ҳисобланмиш «Vodafone» ушбу компаниянинг телефонларини сотишга рози бўлди. Бироқ шу давлатнинг яна бир энг йирик компаниялардан бўлиши «Samsung» ўз улушининг 0,1 фоизини йўқотди.

ЯНГИ АВИАРЕЙСЛАР

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаканьяси жорий йилда «Самарқанд-Симферополь» ва «Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Урганч» йўналишлари бўйича янги авиаканья йўлга қўяди. — Баҳорги ёзги мавсумда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизматидан фойдаланувчилар сони кўпайиши туфайли ушбу тадбирни амалга оширишни режалаштирдик, — деб таъкидлади Самарқанд халқаро аэропорти директори Алишер Шамсиддинов. Унинг сўзларига кўра, янги йўналиш йўловчиларни, айниқса, юртимизга

келатган кўплаб сайёҳларнинг вақтларини тежай билан бир қаторда, Буюк Ипак йўлидаги кўчна шаҳарларни авиа йўналишлари билан ўзаро боғлаш имкониятини беради. **А.ҚУДРАТОВ, «Туркистон-пресс»**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қорхоналари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги капитал қурилиш бошқармаси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона вилояти, Қува тумани, Толмозор қишлоғидаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида 76 уринга мўлжалланган 8-сонли ётоқхона қурилиши» (тўлиқ битказиш шарт билан) Қурилиш муддати — 240 кун. **Манзил: Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 1-уй, телефон/факс: 169-01-03, 169-01-11.** Умумий қурилиш ишлари марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. **Ташкилот ва қорхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак:** ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаши объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техник савий малакага, объект қийматининг қамда 20% миқдорига айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қаролатномаси маъ-

жудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт. **Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича муружаат қилишлари мумкин:** **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76** **Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.** **Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кунни ва вақтигача қабул қилинади.** **Тақлифлар очилиши матбуотда эълон қоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

Оғриқли нуқта

Ўсимлик инсон ҳаётининг энг маъсулиятли даври. Айнан шу паллада йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан гармоник ривожланиши кузатилади. Бу фаслда ўсимликларнинг онги фаол ривожланиб, дунёқарашини шаклланади. Лекин минг афсуслар бўлсинки инсон ҳаётининг айнан шу босқичида унинг турли салбий одатларга хусусан, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик домига тушиб қолиши мумкинлиги ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Дискотека ва шу сингари тунги кўнгилочар клубларга бош суққан киши ажаб манзараларнинг гувоҳи бўлади. Алмойил-айлгойи муסיқага йўрғалаётган ўсимлик йигит-қизларнинг ташқи кўриниши-ю, қилиқларидан ёқа ушлайсан, клубга ўрнаши қолган турли ичимликлар, сигарета тутунидан кўнглинг озади. Айнан мана шу ҳаёт тарзи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатлари келиб чиқишига замин яратади. Тиббиёт ходимларининг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар ўпка ракига, жинсий заифлигу руҳий хасталиқларга олиб келади. Ушбу оғуларнинг келма-кет қабул қилиниши таъсирида инсон организмиде иммунитет йўқола боради.



Абдулла ТОЖИЕВ (исмлар ўзгаририлди), Тошкент вилояти, Янгийўл туманидан: — Оиламиз бошига мусибат тушди. Эндигина 23 ёшни қаршилаган, хали оила қуриб улгурмаган фарзандимиз Тўлқин вафот этди. У гиёҳванд моддасини катта дозада томирига юборган экан.

Азиза ДАВРОНОВА: — Мен турмушга чиққаннида ЎзМУнинг 2-курсиде ўқирдим. Яхши яшадик. Ҳаманинг, айниқса, курсдошларимнинг менга ҳаваси келарди. Лекин иккинчи ўлимиз туғилган, турмуш ўртоғим «ғўл ювиш» баҳонасида қайта-қайта уюштирилган зиефатлар туфайли ичкилик

онасини ҳам ура бошлади. Рўзгордаги қозон-товок, қўлга илинган буюмлар борки сотиб юборди, ҳатто болаларимизнинг кийимлари қолмади. Қўшнингига ўғирлик қилиш ҳаммасидан олиб тушди. Бир неча бор диспансерда даволанди, лекин наф бермади. Бир вақтлар алдайи буй-баста билан

ГИЁҲВАНДЛИК — НАСЛ ЗАВОЛИ

Фарзандим охириги вақтда уйдан чиқиб кетиб, биз билан яшмай қўйганди. Аммо ўлимидан бир неча кун аввал уйга келиб, энди бу йўлдан қайтишини, уйланиб оила қурчга, яна биз билан бирга яшашини айтганди. Унинг ўлимини эшитибок тезда воқеа жойига етиб бордик. Шўрлик болам бир аҳволда қотиб қолганди. Ҳар иккала қўлининг билкалари илма-тешик бўлиб кетибди. Аслида Тўлқиннинг шу кўйга тушишига биз — ота-онаси айбдоримиз. Ёлғиз ўғлимиз, авлодимиз давомчиси, деб қўнглига қарардик... Унинг ўлими бизни адои-тамом қилди.

ка берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эса унинг гиёҳванд моддаларини истеъмол қилаётганлигини сезиб қолиб, бу ҳақда қайнота-қайнонамга айтдим. Эрим эса бундан аччиқланиб, мени ўқишга юбормай қўйди. Хуллас, шу тарика ўқишни ташлашимга тўғри келди. Энди меннинг бутун фикру эҳдиим болаларимнинг отасини тўғри йўлга солиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан қайтариш бўлиб қолганди. Аммо уринишларим зое кетди. Бир вақтлар давраларнинг энг олди бўлган одам энди ўзини ўзи хароб қилган, оғайнилари назаридан қолганди. Энг даҳшатли ва ачинарлиси, мен қолиб

Парранданилик фабрикаси, Мирзабобоев номи, Озод ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли орасидан 11 нафар гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар ҳамда 20 нафар спиртли ичимликларга муккасидан кетганлар рўйхатга олинган. Уларнинг оила аъзолари шаънини ўйлаб, улар билан аноним ачинарли. Жумладан, тўқимачилик комбинатида ишловчи, 1974 йилда туғилган, 2 нафар фарзанднинг онаси Шаҳноза Алиева ҳам гиёҳвандлик бат-қоғига ботганлиги сабабли уни бу йўлдан қайтариш устида иш олиб бораётимиз. Қисқаси, рўйхатда турувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланамиз. **Алижон ШАМСИЕВ, Янгийўл тумани ИИБ бошлигининг хизмат бўйича ўринбосари, майор:** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, ўтган йили мамлакатимизда гиёҳванд воситаларини истеъмол қилиш натижасида 201 нафар киши заҳарланиб ҳаётдан қўз юмган. Яқинда Назиржон исмли йигит ҳаётдан қўз юмди. Бир неча йиллардан буён гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиб келгани оқибатида у ҳатто ОИТСга ҳам чалинган экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг турмуш ўртоғи ҳам вафот этди. Гўлдай икки фарзанд эса етим қолди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики,

Бир шеър тарихи

«МЕН КҮЙНИНГДАН ЧИҚҚАН БИТТА ТҮРҒАЙМАН...»

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳар гал ўзи туғилиб ўсган Марҳаматда бўлган пайтларида қадим Мингтепа қалъасига армон, изтироб, меҳр билан разм солар, миллий озодлик ҳаракатининг йўлбосчиларидан бўлган Дукчи Эшон тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратарди. Шоир юртдошлари даврасида ана шу мавзулардан сўз очиб, «Қаҳрамон аждодларимиз, фидойи ватандошларимизнинг дилдан ўчмас, тилдан тушмас хотира ва сиймолари қаршида бош эгман», дея фахр-ифтихор билан гапирарди.

Юсуф Дукчи Эшон ҳақида достон ёзмоқчи эди... Эсимда, Мустақилликнинг дастлабки йилларида Муҳаммад Юсуф туманимиз газетаси — «Оқ олтин» таҳририятига бир гуруҳ ёш ижодкорлар билан учрашув ўтказиш мақсадида таширф бўюрганди. Шейхонлик қизигандан-қизиди. Шунда Муҳаммад Юсуф азим Тошкентга қайтиш олдидан «Эрши» (Мингтепа) деб номланган шеърини кўлимга тутказиб, «Кеча кечкурун учрашувдан қайтгач қораладим», деганди...



Мана, ўша тарихий шеърнинг «туғилгани» ҳам қарийб 15 йил бўлибди. Афсуски, бу...

«ТОШКЕНТ РОМАНИ»ГА ОЛИЙ МУКОФОТ

Адабиёт соҳасидаги мазкур янги мукофот Марказий Осиё ва Кавказортида яшаб, рус тилида ижод қилаётган насрий асарлар муаллифларига ҳар йили топширилади. Танловдан қўзланган мақсад МДХ ҳудудидagi маданиятнинг ўзига хос кўриниши бўлган рус тилини сақлаш ҳамда Кавказорти, Марказий Осиё, Қозоғистон ва Россия Федерацияси мамлакатлари халқлари ўртасидаги гуманитар бирликини қайта тиклашдир. Танловнинг ҳакамлар ҳайъати таниқли ёзувчилар, танқидчилар, МДХ мамлакатлари ноширларидан иборат. Унинг раиси — Чингиз Айтматов.

Баркамол авлод орзуси



Нишон машиш хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида 600 нафардан ортиқ талаба халқ ҳўжалигининг ўнга яқин тури бўйича касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Бу ерда 60 нафарга яқин муҳандис-педагоглар, 10 нафар ишлаб чиқариш-таъмирлаш усталари, фан ўқитувчилари ёшларга таълим-тарбия беришмоқда.

ларда ўқши имкониятига эга бўлди. Кимё, физика лабораториялари, лингафон, информатика хоналари, ишлаб чиқариш мажмуаси, шинам ошхона, маънавият-маърифат хонаси, фаоллар зали, кутубхона ва 100 ўринли ётқоқхонада талабаларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун теннис, баскетбол, волейбол майдончаларини ўз ичига олган замонавий спорт мажмуаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

МИНГТЕПА

Яйловларин бўлмаса ҳам поёни, Қор чўққизга кўй ҳайдаган ўғлони. Булутларга тегиб турган қўлони. Қозик қилиб, от бойлаган ўғлони, Улуғ тоғдай улуғ юртсан Мингтепа Муқаддассан, қутлуғ юртсан, Мингтепа.

Бобурмирзо Ўш пиримга ўтган йўл, Оқ отлиқни оққа элтган сўқмоқсан, Кўк отлиқни кўкка элтган сўқмоқсан.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Қариялар, ота-оналар доим эъзозда бўлишган. Уларга ёрдам бериш, холидан хабар олиш бурчимиздир. Денов «Автошўбекати» масъулияти чекланган жамияти «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига монанд хайрли ҳамда савобли ишни амалга оширди.

— Юртимизнинг гўзал обидалари ва зиёратгоҳлари қадим-қадимдан машҳур бўлган, — дейди жамият аъзоси Фурқат Тошматов. — Мустақиллик шарофати билан улар янада чирой очди. Ушбу сафар учун жамоамиз пул маблағи ҳамда иккита «Мерседес» русумли юмшоқ автобус ажратди.

Спорт

МУРАББИЙ ХАВОТИРИ ТҮҒРИ ЧИҚДИ



Футбол бўйича 2007 йилда бўладиган Осиё чемпионати саралаш ўйинларининг навбатдаги тур баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «Г» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи турда Доҳада Қатар футболчиларига қарши майдонга чиқди.

чиқди. Гарчи, учрашувда ҳисобни вақиларимиз оған бўлсалар-да, қатарликлар терма жамоамиз дарвозасига иккита тўп йўлаб, ўзлари учун керакли натижани қайд эттишти. Таркибининг тўлиқ шакланмаганилиги, ўйинчиларимизнинг учрашув давомида йўл қўйган жиддий хатолари туфайли қитъамизнинг ўртамиена жамоасига имконият бой берилди — 1:2.

шувни 16 август куни Сянган (Гонконг) терма жамоасига қарши ўтказди. Эрон, Австралия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Япония сингари ОФКга аъзо терма жамоаларнинг жаҳон чемпионатида иштирок этиши ва бу нуфузли мусобақага тайёргарлик кўришлари муносабати билан Осиё кубоги саралаш босқичида салкам олти ойлик танаффус эълон қилинди. Бу даврни эса терма жамоамиз таркиби ҳамда ўйинларини шакллантириш учун энг қулай имконият, деб баҳолаш мумкин. Мақсадга эришиш эса асосан миллий терма жамоа раҳбарлари маҳоратига боғлиқ. Қолганини эса вақт кўрсатади.

ИККИНЧИ ТУРДАН СЎНГ ГУРУҲДАГИ ВАЗИЯТ ҚУЙИДАГИЧА КўРИНИШ ОЛГАН:

Table with columns: Жамоалар, ў, Ю, Д, М, Т-Н, О

СУМО КУРАШЧИСИНИНГ ОРЗУСИ

Сумо бўйича Япония ассоциацияси 12 март куни Осака шаҳрида бошланган баҳорги турнир иштирокчилари рўйхатини маълум қилди. Қизини шундаки, бу рўйхатдан биринчи марта россиялик Сослан Борадоев ҳам жой олган. У мусобақада Рохо («Рус хумоси») лақаби остида иштирок этади.



МАРАДОНА МАЙДОНДА

Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадона яна майдонга тушди. Бу сафар у Аргентинанинг «Универсидад Католлика» клуби таркибига ўйнади. Бу жамоа сафарда Чили терма жамоасига қарши тўп сурди. Сантьягода ўтказилган ўйин майдон эгалари фойдасига (2:0) ҳал бўлди. Марадона майдонда 40 дақиқа ўйнади. Афсонавий футболчининг ҳар бир ҳаракати, тўп оширишлари ишқибозларни ҳаяжонга солди. 12 минг муҳлис тўпланган стадионда «Диего, Диего!» деган оқшишлар янграб турди. Учрашувдан кейин Марадона шу йил Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати ҳақида ҳам фикр юритиб, голиб фақат Бразилия бўлади, деган фикрни билдирди.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 155-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериасининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

Table with columns: 1 TYP, 2 TYP, 3 TYP, 4 TYP, 5 TYP, 6 TYP, 7 TYP, 8 TYP, 9 TYP, 10 TYP, 11 TYP, 12 TYP, 13 TYP, 14 TYP, 15 TYP, 16 TYP, 17 TYP, 18 TYP

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2006 йил 9 мартдаги 156-тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:

- 1-турда биттадан Телевизор
2-турда биттадан Киp ювми машинаси
3-турда LACETTI автомобили
4-турда LACETTI автомобили
5-турда LACETTI автомобили

«ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта таркатувчилардан олиш мумкин.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган захоти «Лаура» ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўъжа: «Украинка» дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Advertisement for Bosh Muharrir: Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, Muassis: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi, and other contact information.